

МАҲКАМОВ Нодир Баходирович,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси,
Давлат ва ҳуқуқ Институтини докторанти,
юридик фанлар бўйича фан номзоди
paris111@mail.ru

ДИН НИҚОБИ ОСТИДАГИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТУҒДИРАЁТГАН ХАВФ-ХАТАР- ЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ ПОД ПРИКРЫТИЕМ РЕЛИГИИ И СОЗДАВАЕМЫЕ ИМИ ОПАСНОСТИ ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

THE CONCEPT OF THREATS UNDER THE GUISE OF RELIGION AND THE DANGERS THEY CREATE FOR STATE SECURITY

Аннотация: Мақолада турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик гуруҳлар томонидан ўзларининг бузғунчи мафкурасини асослаш учун фойдаланадиган дин ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидларнинг тушунчаси таҳлил қилинган. Давлат хавфсизлиги ва мафкуравий соҳанинг ўзаро муносабати ҳамда боғлиқлиги ўрганилган.

Ушбу турдаги мафкуравий таҳдидларни тушунишда турли илмий ёндашувлар таққосланган ва муаллифлик таърифи берилган ҳамда бошқа гоявий хавф-хатарлардан фарқи асосланган.

Калит сўзлар: ислом, дин ниқоби остидаги мафкуравий таҳдид, радикал экстремистик гоя, давлат хавфсизлиги, ахборот-мафкуравий хавфсизлик, диний

экстремизм, террорчилик, мафкура, мафкуравий хуруж, мутаассиблик, исламизм, экстремизм.

Аннотация: В статье анализируется понятие идеологических угроз под прикрытием религии, используемых различными религиозно-экстремистскими течениями и террористическими группировками для обоснования своих деструктивных идеологий. Исследована взаимосвязь государственной безопасности и идеологической сферы.

Осуществлено сравнение различных научных подходов к пониманию, а также дано авторское определение понятию данного вида идеологических угроз, а также обосновано их отличие от других видов идейных атак.

Ключевые слова: ислам, идеологическая угроза под прикрытием религии, радикальная экстремистская идея, государственная безопасность, информационно-идеологическая безопасность, религиозный экстремизм, терроризм, идеология, идеологическая атака, фанатизм, исламизм, экстремизм.

Annotation: The article analyses the concept of ideological threats under the cover of religion, used by various religious extremist movements and terrorist groups to justify their destructive ideology. The interrelation of state security and ideological sphere is investigated.

Different scientific approaches to understanding this type of ideological threat are compared and authorised, as well as distinguished among other ideological threats.

Keywords: Islam, ideological threat under the cover of religion, radical extremist idea, state security, information and ideological security, religious extremism, terrorism, ideology, ideological attack, fanaticism, Islamism, extremism.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси демократик кадриятларга таяниб, замонавий дунёвий давлатни, фуқаролик жамиятини яратишни жадал суръатларда амалга оширмоқда. Республикамиз дунёвий-демократик давлат бўлиб, конституциямизда белгиланганидек, давлатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас [1].

Шу билан бирга, давлатимизнинг янги тарихида сиёсий ва ижтимоий юксалишида турли хил тўсиқлар, муаммолар, можаролар, инқирозга тортувчи омилларга замин яратган асосий сабаблардан бири ислом ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар бўлган.

Дин ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар бузгунчи ва вайронкор мазмунга эга бўлиб, давлатимиз хавфсизлигининг барча соҳаларига жиддий зарар келтириши аниқ исботланган тарихий ҳақиқатдир. Мустақил Ўзбекистон 90-йилларда илк давлатчилигини барпо этиб, “оёққа тураётган” даврда Наманган вилоятида пайдо бўлган “Ислом лашкарлари”, “Адолат” деб ном олган ислом ниқобидаги диний экстремистик ва террористик гуруҳлар давлатимизни демократик ривожланиш йўлидан қайтаришга, сиёсий ва ижтимоий можароларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилган.

Сўнг 1999 йил 16 февраль воқеалари, ўша йилнинг август ойидаги Баткен воқеалари, 2004 йил март ва апрель ойларидаги Тошкент ва Бухоро шаҳарларида содир этилган террористик хуружлар, ўша йилнинг июль ойида Тошкентдаги Исроил ва АҚШнинг элчихоналарига

уюштирилган хужумлар, 2005 йилдаги Андижон воқеалари, 2009 йилдаги Фарғона водийсининг ўзбек-қирғиз чегарасидаги террористик хуружлар ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидлар нафақат маънавий балки тўғридан тўғри давлатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳаларида жиддий талофатларга олиб келиши аниқ намоён бўлган.

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз ҳуқуқ тартибот идоралари доимий тарзда дин ниқобидаги диний экстремизм ва террорчилик кўринишлари билан курашиб келмоқда. Охириги пайтларда ушбу йўналишда содир этилаётган жиноятларнинг ҳажми қисқарган бўлса ҳам, ҳали ҳамон диний экстремизм ва террорчилик жиддий хавфлар учун замин бўлиб келмоқда. Сўнги йилларда давлатимизда террористик хуружлар содир этилмаган бўлса ҳам, Марказий Осиё минтақасида бундай ҳолатлар тез-тез учраб келмоқда.

Мисол учун, айрим ғарб тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, 2014-2015 йилларда Марказий Осиё мамлакатларида яшовчи икки мингдан тўрт мингга қадар фуқаро ислом ниқоби остидаги шиорлар остида ёлланиб, жангари сифатида Сурия ва Ироқда содир бўлган қуроли тўқнашувларда иштирок этиш учун ўз ватанини тарк этган. Хусусан, Е.Лемон тақдим этган кўрсаткичларга мувофиқ, мазкур тоифадаги шахсларнинг тахминан 1141-1300 нафари тожикистонлик, 200-1500 – ўзбекистонлик, 500-863 – қирғизистонлик, 300-350 – қозғистонлик, 360 – туркменистонлик бўлган [2].

Ушбу тадқиқотчининг маълумотларига кўра, 2008 йилдан 2018 йилгача ислом ниқобидаги бузгунчи гуруҳлар томонидан минтақамизда 18 та террористик хуружлар амалга оширилган. Хусусан, 2009 йилда Андижон ва Тожикистоннинг Исфара

шаҳрида, 2010 йилда Тожикистоннинг Хўжанд ва Камароб шаҳарларида, 2011 йилда Қозоғистоннинг Актобе (2 та), Олмота ва Тараз шаҳарларида, 2012 йилда Тожикистоннинг Хорог ва Қозоғистоннинг Алмати шаҳарларида, 2014 йилда – яна Хорогда, 2015 йилда Тожикистоннинг Душанбе ва Вахдат шаҳарларида, 2016 йилда Қозоғистоннинг Актобе ва Алмати ҳамда Қирғизистоннинг пойтахти Бишкекда, 2018 йилда Тожикистоннинг Данғара туманида террорчилик хужумлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, 2017 йил февраль ойида Швециянинг Стокгольм шаҳрида келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган террорчи Р.Акилов юк машинада беш нафар пиёдани босиб юбориш орқали террорчилик хужумини амалга оширган. Тергов жараёнида маълум бўлишича, ушбу шахс “Ислон давлати” террорчилик ташкилотининг вакиллари билан алоқа боғлаб келган ва радикал ғоялар таъсири остида мазкур қотилликларни содир этган [3].

2017 йилда Марказий Осиё давлатлари фуқаролари бўлган террорчилар томонидан бир қатор қонли хужумлар амалга оширилган. Январь ойида Туркиянинг Истамбул шаҳрида А.Машарипов, апрель ойида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида А.Джалилов, октябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида С.Саиповлар томонидан ислом ниқобидаги радикал экстремистик ғоялар таъсири остида террорчилик хужумлари уюштирилиб, ўнлаб одамлар ҳалок бўлган.

2022 йилнинг август ойида 4 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тошкент шаҳрида жамоат жойларида портлашларни содир этишга тайёргарлик кўраётганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб 10 йилдан 15 йилгача муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар [4].

2024 йил март ойида Москва вилоятининг “Крокус сити холл” мажмуасида тожикистонлик террорчилар томонидан содир этилган қуролли хуруж натижасида 150 нафар фуқаро оламдан кўз юмган ва 500 дан ортигининг соғлигига зарар етказилган.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш, уларнинг таъсир доираси ва тарқалишининг олдини олиш, чеклаш ва бартараф этиш қанчалик долзарб масала эканлигини яна бир бор таъкидлаш мумкин.

ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Конунчиликка мувофиқ, давлат хавфсизлиги – Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг, суверенитетининг, ҳудудий яхлитлигининг ва бошқа давлат манфаатларининг ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари эса – жамиятда қонун устуворлигини, хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлашга бўлган давлатнинг англанган эҳтиёжлари ҳисобланади [5].

Қонундаги “давлат хавфсизлиги” ва “давлат манфаатлари” тушунчалари кенг маънога эга бўлиб, ўз ичида давлат тизимининг мавжуд бўлиши ва ўз мақсадини амалга ошириш учун керакли бўлган барча соҳаларни қамраб олган.

“Давлат хавфсизлиги” умумий тушунчаси ва ҳуқуқий аҳамиятини талқин

килишда турли ёндашувлар мавжуд ва улар “хавфсизлик” ва “миллий хавфсизлик” категориялари билан чамбарчас боғлиқ. Илмий манбаларда мавжуд “хавфсизлик” тушунчасига таърифларни таҳлил қилиш натижасида аниқланишича, олимларнинг бир қисми томонидан бу атамага кенг қамровли таърифлар берилган бўлса, бошқа тадқиқотчилар эса бу тушунчанинг аниқ бир соҳага тегишли жиҳатларидан келиб чиқиб талқин қилганлар.

Барча ёндашувларни бирлаштирадиган мезонлар сифатида, хавфсизликнинг мақсади – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидан иборатлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқ [6:176, 10:176]. Шу билан бирга, “миллий хавфсизлик” ва “давлат хавфсизлиги” тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқини изоҳлаш тадқиқот мақсадини аниқлашга хизмат қилади.

Илмий адабиётларда асосланишича “миллий хавфсизлик” тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, фанлараро мазмунни ифодалайди, барча хавфсизлик тушунчаларини бирлаштиради (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий) ҳамда халқаро муносабатлар ва ички сиёсий фаолиятни ўз ичига қамраб олади [7:37, 27:90-94].

“Давлат хавфсизлиги” тушунчаси “миллий хавфсизлик” тушунчасининг бир қисмини ташкил этади. Яъни давлат хавфсизлиги деганда, авваламбор давлат ва ижтимоий муассасалар шаклида намоён бўлаётган сиёсий институтлар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг, фаолиятларининг туси ва мазмуни, алоқалари, амалиётининг ҳимояланганлик ҳолати тушунилади [8].

Давлат хавфсизлигини таъминлаш давлат тизими (идоралар, муассасалар, ташкилотлар)нинг тўғридан-тўғри вази-

фаси бўлиб, устувор йўналиш сифатида ички муаммоларни ечишни белгилайди ва ташқаридан келаётган таҳлика ва таҳдидларни ичкаридан туриб, давлат механизми имкониятларидан фойдаланиб олдини олиш, ҳал қилишни мақсад қилади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, ушбу мақолада асосий эътибор давлат хавфсизлигига бўлган ислом ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидларни таҳлил қилишга қаратилди. Мафкуравий таҳдидлар тушунчасини илмий нуқтаи назардан очиб бериш учун, авваламбор ҳозирги замонавий ахборот жамиятини барпо этиш шароитида мафкуравий жараёнлар мазмунини англаб олиш лозим.

XX аср охирларида ғарб илмий давраларида сиёсий ҳаётнинг асоси сифатида “мафкуралар ўзининг аҳамиятини йўқотганлиги” ҳақида қарашлар авжга чиқди. Мафкуралар вазифаларини бажариб бўлиб, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатига ўз таъсирини йўқотганлиги ҳақида фикрлар маълум маънода устувор аҳамиятга эга бўлди. Лекин XXI асрда ушбу қарашлар ўз аҳамиятини йўқотиб, янги глобализация шароитида мафкуравий тизимлар таъсирининг ошиши, кўп кутбли жаҳон тартиби пайдо бўлаётганлиги билан боғлиқ янги мафкуравий жараёнлар ривожланаётгани аён бўлмоқда [9:5].

Эндиликда яқин ўтмишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган мафкуралар, янги постиндустриал ва ахборот дунёсида нафақат аҳолининг аниқ бир қатлами, гуруҳи, синфи ёки давлатга бўлган узвий боғлиқлигини, балки миллатдан, синфдан устун бўлган концепциялар шаклида намоён бўлмоқда. Яъни глобализация, ахборотлаштириш жараёнлари ривожланган шароитда турли мафкуралар ахборот маконидан фойдаланиб, ижтимоий онгга тўғридан-тўғри (индивидуал тарзда жамият аъзоларига) таъсир этиш имкониятига эга бўлдилар.

Баъзи олимларнинг фикрича, ҳозирги замон шароитида янгича трансформация бўлган мафкуравий концепциялар сифатида – аксилглобализм, ғарб мамлакатларининг либерал-консерватив ғоявий таълимотлари, американизм концепцияси (мафкура ва геосиёсатни бирлаштириш ғояси), ислом ниқобидаги радикал мафкуравий оқимларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу тадқиқот объекти – давлат хавфсизлигига ислом ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар бўлгани учун қуйида ушбу тушунчанинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистонлик олим С.Отамуродов таъкидлашича, “таҳдид” турғунлик ҳолатидаги хавф-хатардир. Хавф-хатар эса “таҳдид”нинг амалиётга айланиши, “ишлаши”, нимагадир таъсир ўтказишнинг бошланишидир. “Таҳдид”нинг хавф-хатарга айланиши миллий маънавиятга нисбатан қўлланилганда унда ички ва ташқи емирилиш жараёни кечаётганини тушуниш мумкин. Олимнинг ёндашувига кўра, миллий-маънавий хавфсизликни таъминламасдан туриб, миллий хавфсизликка эришиб бўлмайди. Миллий маънавиятга қарши қаратилган ташқи таҳдидлардан бири – бу мафкуравий хуруж ҳисобланади. Мафкура шундай омилки, ундан фойдаланиб инсонларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларнинг дунёқарабини ўзгартириш, руҳий “итоаткор” қилиш, ғоясизлантириш, қалби ва онгини эгаллаш, жамиятда турли зиддиятларни вужудга келтириш мумкин [10:272].

Ш.Пахрутдиновнинг фикрича, “Таҳдид аслида инсон ва жамият ҳаётий фаолияти, умуман яшашни қийинлаштирувчи, унинг барқарорлиги, тараққиёти ва хавфсизлигини йўққа чиқариш мумкин бўлган, тўғрироғи, давлатнинг конституциявий асосларини емириш ва

издан чиқаришга қаратилган, макон ва замон нуқтаи назаридан аниқ чегарага эга бўлган ўта салбий функционал характерли ҳодисадир” [11:11].

Россиялик олимлар, мафкуравий таҳдидлар тушунчасини ахборот-психологик ҳамда ахборот-мафкуравий (мафкуравий) хавфсизлик категорияларидан келиб чиқиб тушунтирадilar. Уларнинг фикрига кўра, биринчидан, мафкуравий хавфсизлик – бу шахс, жамият ва давлат хизматчилари онларининг интеллектуал-англаш ёки ҳис-туйғу билан боғлиқ қисмларига салбий (деструктив, ёлғон) таъсир этувчи ташқи ва ички ахборот ҳодисаларидан ҳимояланганлик ҳолати. Иккинчидан, мафкуравий хавфсизлик муайян мафкурага, иерархик тизимга эга қадриятлар, қоидалар ва мақсадларга таянади. Шунга мувофиқ, мафкуравий таҳдидлар ўз асосларига кўра, ташқи ёки ички, уюштирилган ёки фавқулодда ҳолатдаги, очик ёки ниқобланган кабиларга таснифланади [12:574].

Ғарб тадқиқотчилари Ж.Волфорд, Г.Волсби, Ф.Альвентозалар “тизимли мафкура” таълимоти соҳасида асосий эътиборни мафкуранинг ижтимоий тизимлар билан ўзаро муносабатларини ўрганишга қаратганлар [13:190]. Уларнинг фикрига кўра, мафкура – тахмин, эътиқод, хулоса, таълимот ва ақида, ғоя, мойиллик, мулоҳаза, тамойил, тенденция, назария ва фикр, қадриятлар йиғиндиси бўлиб, маданият маҳсулидир ва демак ижтимоий аҳамиятга эга. Яъни жамият, индивид ва гуруҳлар йиғиндиси сифатида мафкураларни ишлаб чиқади ва қўллаб-қуватлайди, ўз ўрнида худди шу сабабга кўра, жамиятнинг ўзи мафкуралар орқали қўллаб-қувватланади ва ишлаб чиқилади. Муайян мақсадга интилган ҳар қандай гуруҳ ичида аниқ бир мафкуранинг амалиётига оғиб туриш тенденцияси

мавжуд бўлиб, ушбу гуруҳнинг анаъналари ўз вақтида кучлилигига қараб, бошқа гуруҳлар устидан ҳукмронлигини ўрнатиши мумкин.

В.Маллинзнинг таълимотига мувофиқ, мафкура қуйидаги тўрт асосий таснифлардан иборат бўлиб, у билиш қобилияти устидан ҳукмронлик қилиши, баҳолашга оид ҳукмларни чиқариш жараёнларини бошқариш қобилиятига эга бўлиши, ҳаракатлар қилишга йўриқнома сифатида хизмат қилиши ва мантиқий кетма-кетликка эга бўлиши керак [14:348].

Айрим тадқиқотчилар диний мафкурага қуйидаги таърифни берадилар, бундай мафкура илоҳиётга мурожаат қилиш орқали жамият ва шахсни бир-бирига ягона мавжудлик таълимоти орқали боғлайди ва турли хил ижтимоий гуруҳларни бир-бирига боғловчи интеграцион кучларни яратади [15:215].

Политолог М.Хильдебрандт “диний мафкура” ва “фундаментализм” тушунчаларини бир-бирига тенглаштиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрига кўра, “анъанавийлик” барча диний мафкураларнинг умумий сифати бўлиб, “улар ўз анъаналарини тарихий ривожланишнинг барча бузилишларидан озод қилишга ва асл манба, боши ва илдизларига қайтишни талаб этиб, бундай ривожланишни дегенерация сифатида қабул қиладилар”. Диний мафкурачиларнинг парадокс жиҳати шундаки, улар асл таълимотга қайтиш даъвосидан фарқли ўлароқ, кўп ҳолларда замонавий диний мафкурани яратадилар [16:3-9].

Юқоридагиларга асосланиб, давлат хавфсизлигига ислом ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидларни таҳлил қилишда қуйидаги асосий жиҳатларни инобатга олиш тақлиф этилади.

Мафкура тушунчасининг турли хил таърифлари мавжуд. Ғарбий

қарашларга кўра, мафкура – бу турли сиёсат субъектларининг – синфлар, миллатлар, жамият, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатларининг манфаатлари, дунёқараши ва идеалларини ифода этувчи концептуал тарзда шаклланган тизимдир ҳамда жамиятда мавжуд бўлган ҳукмронлик ва ҳокимиятни тасдиқлаш ёки уларни радикал тарзда ўзгартиришнинг шакли сифатида намоён бўлади. Мафкура ва ижтимоий онг шакллари – маданият ва маърифатнинг таркибий қисмларидир [17].

Мафкура тушунчасининг долзарб таърифи Ў.Ҳасанбоев томонидан берилиб – бу жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашларининг тизимлаштирилган билимлар йиғиндиси. Мафкура турли гуруҳ, тоифа ва қатламлардаги кишиларнинг манфаатларини ифодалаб, уларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини тартибга солиб, ҳаракатга келтиради, ғояларнинг рўёбга чиқишига хизмат қилади. Шунинг учун ғоя – мақсад бўлса, мафкура уни амалга ошириш усули-воситасидир [18:302].

Ўзбекистон Республикаси мафкуравий хавфсизлигининг концептуал асосини “миллий истиқлол ғояси” таълимоти ташкил этади. “Миллий истиқлол ғояси” таълимотининг мафкуравий асосларини қуйидаги асосий тамойиллар ташкил этади: – мустақил ва обод Ватанни барпо этиш; – халқнинг эркин ва осойишта ҳаёт кечириши; – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш; – мамлакатнинг тинч ва хавфсиз келажагини таъминлаш; – миллий маданий ва маърифий-ахлоқий ҳамда умуминсоний қадриятлар ва демократик

тамоийларга риоя қилиш; – кудратли ахборот технологиялардан фойдаланиш; – тараққиётни таъминлаш; – гуманизм; – миллатлараро ва динлараро тотувлик; – минтакавий низоларни бартараф қилиш [19:49-50]. Ушбу ғоялар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меъёрий мазмунига монанд равишда бунёд бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашича: “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча мингйиллик ҳаётини тушунча ва кадриятларига асосланган” [20]. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти куриш – миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепциясининг асосий мақсади [21:42].

“Ислом ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар”нинг мазмунини таҳлил қиладиган бўлсак, илмий адабиётда ушбу ҳодисага турли ёндашувлар мавжуд.

Исломшуносларининг фикрича, “Экстремизм ёки фундаментализмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиздир. Хусусан, ислом дини, у билан боғлиқ турмуш тарзи ва кадриятлар мажмуи ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўё дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас” [22:37].

М.Айдин таъкидлашича, Яқин Шарқнинг баъзи давлатларида (Миср, Сурия, Ироқ) ўтган асрда пайдо бўлган ислом диний таълимотларига асосланган “либерал” ёки “фундаменталистик” ташкилотлар ўз мақсадларига демократик

усуллар билан эришмоқчи бўлиб, фақат ўз мамлакатларидаги ҳукмдор режимларнинг сиёсий хавфсизлигига, ҳокимиятига таҳдид туғдириб, радикал, террорчилик ташкилотлар билан тенглаштирилиши мақсадга мувофиқ эмас [23:10].

Америкалик олим З.Бараннинг фикрига кўра, исламизм (*муалиф талқинига кўра, диний терминологияни ниқоб қилиб, дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишни мақсад қилган тоталитар мафкуранинг бир кўриниши, аслида ислом ниқобидаги фашизм деб номланиши лозим*) билан боғлиқ таҳдид – бу ўз инфратузилмасини барпо этиш мақсадида кўп йиллик алоқаларни ўрнатиш, интеллектуал ва мафкуравий тайёргарлик натижасидир. Ушбу гуруҳлар хамфикрлари билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш жараёнида миллиардлаб долларларни сарф қилганлар, қирқ йилдан ортиқ ижтимоий шаклланиш учун қаттиқ ишладилар. Ушбу гуруҳлар орасида зўравонликдан фойдаланиш фақат тактик жиҳатдан тортишувларга сабаб бўлиб, ҳеч қачон бу усулдан бош тортмайди [24:24-25].

Холис қилиб атганда, “Ислом ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар” деганда – экстремистик, радикал, террорчилик, мутаассиб гуруҳлар томонидан ислом диний таълимотларининг асл маъносини бузиб, ўзларининг сиёсий мақсадларида талқин қилиб, шахс, жамият, давлат идоралари вакилларининг онгига бузғунчи таъсир ўтказиш, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш бўйича ҳаракатлар тушунилади.

Ушбу гуруҳларга XX-XXI асрларда юзага келган қуйидаги оқимлар ва террористик ташкилотлар киритилган – “Сохта салафийлик”, “Мусулмон биродарлар”, “Нурчилар”, “Ислом миллати”, “Таблиғчилар”, “Ислом фидойилари”, “Узун соқоллилар”, “Ҳизбут-таҳрир ал-исломий”, “Ақромийлар”, “Ҳизб

ан-Нусра”, “ал-Муҳожирун”, “Жамоати исломия”, “ат-Такфир вал-хиджа”, “Муҳоҳидлар ҳаракати”, “Ҳизбуллоҳ”, “Ҳамас”, “ал-Қоида”, “Адолат уюшмаси”, “Ислом лашкарлари”, “Тавба”, “Туркистон ислом ҳаракати”, “Жамоат ал-ансор”, “Шарқий Туркистон ислом ҳаракати”, “Баҳшиллочилар”, “Исломбули бригадаси”, “Жамият ал-ислоҳ ал-иҷтимоӣ”, “Лашкаре-Тойба”, “Ислом армияси”, “Риёдус-Солиҳин”, “Ислом ҷиходчилар ҳаракати”, “Ансор ал-ислом”, “Боко ҳарам”, “Ислом ҷиходи гуруҳи”, “Ироқ ва Шомда ислом давлати ташкил қилиш ҳаракати”, “Деккан Муҳоҳидин”, “Қорасаллалилар”, “Ҷиходчилар”, “Сохта тариқатчилар”, “Маърифатчилар”, “Шоҳидийлар”, “Жамоат ансор ал-сунна”, “Жайш ал-муҳожирун вал-ансор”, “Нусра fronti”, “Муҳоҳид ёшлар ҳаракати”, “Жангари ёшлар террористик ташкилоти” [25:96].

ХУЛОСА

Таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кунга келиб ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидларни манбаи, субъекти бўлган турли диний-экстремистик, террорчилик гуруҳлар, ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб, пухта асосланган стратегияни босқичма-босқич амалга оширмоқда. О.Юсупов таъкидлаганидек, диний-экстремистик оқимларнинг бажарадиган функцияларига кўра 3 асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ ташкилотларининг асосий вазифаси бу одамларни гўёки “исломлаштириш”, “тақвога чақириш”дан иборат. Иккинчи гуруҳдагилар эса “исломийлаштирилган” аҳолига мутаассиблик ғояларини сингдириш билан шуғулланади. Учинчи гуруҳ ҳаракатлар эса тааллуқли ташкилотлар томонидан тайёрланган

кишиларни “ҷиходни” амалга оширишга тайёрлаш билан шуғулланади [26:24].

Ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг бошқа бундай таҳдидлардан фарқини ҳам белгилаб олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Биринчидан, ўз номидан маълум бўлишича ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг таъсир объекти сифатида фақат ислом динига эътиқод қилувчи шахслар ва аҳоли гуруҳларини танлаб оладилар. Ушбу турдаги мафкуравий таҳдидлар бевосита ислом динига чуқур берилган, диний турмуш тарзини олиб боришни бошлаган ва дин амалларини тўлиқ ижро этишга ҳаракат қиладиган шахслар учун катта хавф туғдиради.

Бунинг сабаби, ДЭО ва террорчилик ташкилотлар ва гуруҳлар вакиллари ўз таълимотларини исломий ақидалар асосида шакллантириб, ўзларининг руҳий таъсир ўтказиш режаларини асослайдилар, ислом динининг соф ғоялари ниқоби остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интиладилар.

Иккинчидан, ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидлар учун асос сифатида хизмат қилувчи таълимотлар ва мафкуравий концепциялар ўз ғояларининг манбаси сифатида Қуръони карим ва ҳадисларни кўрсатиб, ўзларининг манфаатларидан келиб чиқиб, тор маънода, мавжуд исломшунослик илмий анаъналари ва академик ёндашувларни эътиборга олмасдан, мутаассиблик ва экстремистик мазмунда талкин қилади. Бундай ёндашув барча диний экстремистик ва террорчилик оқим ва ташкилотлар томонидан қўлланилади.

Учинчидан, ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидларни туғдираётган диний экстремистик ва террорчилик ташкилотлар кучли ташкилий тузилишга, катта молиявий маблағларга, ривожланган

ахборот-коммуникацион технологиялар ва керакли асбоб-ускуналар мажмуига эгадирлар. Бундай ташкилотлар ўз бузғунчи мафкураларини тарқатиш учун ривожланган тарғибот аппарати ва махсус билимларга эга мутахассисларга эга бўлади.

Тўртинчидан, ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидлар асосланган диний экстремистик ва террорчилик таълимотларни бирлаштирувчи уч асосий мафкуравий концепциялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг туб мазмуни бузғунчилик моҳиятга эга. Булар: экстремистлар талқинидаги “тавҳид-улуҳият”, “такфир” ва “жиход” концепциялари бўлиб, ислом ниқобидаги ДЭО вакиллари ғоявий қарашларининг радикализм, экстремизм, зўравонлик моҳиятини асослаб беради.

Хусусан, диний экстремистик оқимлар вакиллари асослаган “тавҳид-улуҳият” концепциясига кўра, Аҳмад ибн Таймия (1263-1328 йилларда мўътазила оқимига қарши турган сохта салафийлик ғояларининг суриялик асосчиси) томонидан ўйлаб топилган тавҳиднинг иккига бўлиниши ҳақидаги қарашлар ислом дини асосларини бузишда илк қадам бўлган эди. “Тавҳид- улуҳият” тамойили энг аввало, ислом анаъналаридаги пайғамбар ҳамда саҳобалар ва азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш каби амалларни бажарадиганларни куфр ва ширкда айблашга қаратилган. Ушбу концепция эътироф этилган мазҳабларни тан олмасликка, ислом оламидаги диний бирлик ва ақидавий яқдилликка раҳна солмоқда [25:300-301].

“Такфир” концепцияси турли мутаассиб гуруҳ ва ҳаракатлар етакчилари мафкурасига асос бўлиб хизмат қилади. Бу ибора араб тилидаги “куфр” сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, луғатда инкор қилиш, ёпиш, каффорат бериш каби

маъноларни англатади. Ислом ниқобидаги мутаассиб экстремистик оқимлар таълимотларида “такфир” тамойилидан мусулмонлик дин вакиллари асосиз сабаблар билан кофирга чиқариш учун фойдаланилади.

“Такфир” концепцияси ёрдамида диний экстремистик оқимлар ғояларига қарши турган барча ислом дини вакиллари “кофирликда” айбланиб, уларга қарши кураш эълон қилинади. Бундан ташқари, ушбу ғоявий тамойил асосида давлат ҳокимияти вакиллари ҳам динсизликда айбланиб, улар нотўғри йўлда турганлиги асосланиб, уларга ҳам қарши туриш зарурлиги исботланади.

Ислом ниқобидаги экстремистик ҳаракатлар “жиход – мусулмоннинг ғайридинларга қарши муқаддас уруши”, деб талқин этмоқда. Бундай талқин ислом динини гўёки, ёвузликка, жангу жадал, уруш, қон тўкиш, бошқа диндагиларга қарши кураш олиб боришга асосланганлиги ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Аҳмад ибн Таймия ўз фатволаридан бирида “Давлатни шариат асосида бошқармаётган ҳукмдорга жиход эълон қилиш зарур”, деб ёқлаб чиққан. “Мусулмон биродарлар” жамоаси етакчиси Саййид Қутб эса, ўзининг “Йўлдаги белгилар” номли китобида “жиход” тушунчасини динсизларга ҳатто унинг талқинига кўшилмаган мусулмонларга қарши кураш маъносида қўллаган [22:68].

Хулоса қилганда, ислом ниқобидаги мафкуравий таҳдидларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича давлат тизими доимий равишда ҳар жихатдан тақомиллаштирилиши ва замонавий хавф-хатарларга жавоб беришга тайёр бўлиши лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси // <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Lemon E. Assessing the Terrorist Threat In and From Central Asia. VoicesOnCentralAsia.org. October 2018/ <https://www.caa-network.org/archives/14501>
3. В Швеции начался суд над гражданином Узбекистана по делу о теракте в Стокгольме // <https://www.currenttime.tv/a/29034773.html>
4. Машкевич М. Планировавшие теракт в Ташкенте в 2022 году получили от 10 до 15 лет // <https://www.gazeta.uz/ru/2024/04/05/court>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-471-сон Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/3610935>.
6. Рябцев Л.М., Гвоздев Д.В. Некоторые теорико-методологические аспекты национальной безопасности: системный подход // Материалы международной научно-практической конференции “Проблемы обеспечения национальной и региональной безопасности: правовые и информационные аспекты” – Минск, 2017. – Т. 1. – С. 259-268.
7. Рахманов А.Р. Международно-правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности Республики Узбекистан: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Т.: АГОС, 2001. – С. 37.
8. Гончаров И.В. О соотношении понятий “Национальная безопасность”, “Государственная безопасность”, “Конституционная безопасность” // Актуальные проблемы российского права. – Москва, 2009. – №1. Эл.адрес: cyberlinka.ru/article/n/o-sootnoshenii-ponyatiy-natsionalnaya-bezopastnost-../viewer.
9. Сирота Н.М. Идеологии и идеологические течения: Классическое наследие и современность. – С.Пб.: ИВЭСЭП “Знание”, 2009. – С. 5.
10. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б. 272.
11. Пахрутдинов Ш. Тахдид-ҳалокатли куч. – Т.: Академия, 2011. Б.-11.
12. Бачило И.Л., Лопатин В.Н., Федотов М.А. Информационное право. – СПб.: Юрцентрпресс, 2001. С.-574.
13. Walford George. Beyond Politics / An Outline of Systematic Ideology. - Лондон: Calabria Press, 1990. Б.-190.
14. Mullins Willard Arnold. The Concept of Ideology: An Analysis and Evaluation. – Вашингтон: University of Washington, 1969. Б.- 348.
15. Eberhard Winfried. Monarchie und Widerstand. Zur ständischen Oppositionsbildung im Herrschaftssystem Ferdinands I. in Böhmen. – München: Oldenburg, 1985. Б.-215.
16. Mathias Hildebrandt. Krieg der Religionen? // Aus Politik und Zeitgeschichte. – Bonn, 2007. – 6. – Б.3-9.
17. Википедия. Свободная энциклопедия. Понятие – Идеология. ru.wikipedia.org/wiki/идеология.
18. Ҳасанбоев Ў. Диний-маърифий ва ижтимоий маънавий соҳа тарғиботчилари учун айрим атама ва тушунчаларнинг изохли луғати. – Т.: Shamsuddinxon Boboixonov, 2020. – Б. 302.
19. Идея национальной независимости: основные понятия и принципы. Перевод: А.Ж.Шарипов, Я.С.Уманский, Ф.М.Прудников и др. – Т.: Узбекистан, 2001. – С. 49-50.

20. Нозимжонов У. Мирзиёев маънавиятни юксалтириш бўйича йиғилиш ўтказди. 19 январь 2021 йил. Эл. манзил: qalampir.uz/news/prezident-ma-naviyatni-yuksaltirish-buyicha-yigilish-utkazdi-31829.

21. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. Илмий-амалий рисола. /Қ.Қуранбоев, М.Қуронов, М.Бекмуродов, Ш.Тўраев. – Т.: Sano-Standart, 2014. – Б. 42.

22. Диний мутааасиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари /А.Хасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. - Т.: Мовароунахр, 2013. Б.-37.

23. Айдин М. Делегитимизация религии как источника угроз безопасности в глобальном мире, вызванных проблемами с идентичностью. // Ежеквартальный журнал “Connections”. Консорциум «Партнерство ради мира» военных академий и институтов по изучению вопросов безопасности. - 2006. - Том 5, №3. - С. 10

24. Баран З. Противодействие идеологической поддержке терроризма в Европе: “Братья-мусульмане” и “Хизб ут-Тахрир” – союзники или противники? // Ежеквартальный журнал “Connections”. Консорциум «Партнерство ради мира» военных академий и институтов по изучению вопросов безопасности. - 2006. - Том 5, №3. - С. 24-25

25. Тулепов А. “Ислом” ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. – Т.: Шарк, 2014. Б. 96.

26. Юсупов О. Мамлакатимизда диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг долзарб йўналишлари. //“Ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби” мавзусига

бағишланган илмий анжуман: Маъруза тезислари. Самарқанд. 2015 йил 10 июль. – Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – Б. 24.

27. Бровка Г.М., Мойсеенко Е.Г. Национальная безопасность (безопасность государства): сущность, содержание, структура.// Материалы международной научно-практической конференции “Проблемы обеспечения национальной и региональной безопасности: правовые и информационные аспекты”. Тез. докл. -Минск, 2017. – Т. 1. – С. 90-94.